

1. Эргаш гапли күшма гаплар хакида назарий маълумот.
2. Эргаш гапли күшма гаплар таснифи.

Маълумки, эргашган күшма гапларда икки ёки ундан ортик содда гаплар ўзаро хоким-тобелик муносабати оркали багланади. Эргаш гап бош гапга тобе багланаб, бош гапдаги бирор бўлакни изохлаб келади. Бош ва эргаш гап грамматик хамда мазмунан жисп багланаб, яхлит бирликни ташкил этади ва умумий бир фикрни ифодалайди. Улар ўзаро феълнинг амалий шаклларининг кўлланиши (турли грамматик воситалар билан бириккан сифатдош, равишдош ва шарт феъли), ёрдамчи сўзлар оркали муносабатга киришиши айтилади (Абдурахмонов Г., 1996, 185). Эргашган күшма гапларнинг гурухланиши эргаш гапнинг бош гапдаги кайси бўлакни изохлаб келишига караб белгиланади. Шуни айтиш керакки, эргаш гапларнинг таснифида тилшунослар ўртасида умумийлик бор. Ўзбек тилшунослигида эргаш гаплар мазмуний – шаклий жихатдан 14 турга ажратилади: 1) эга, 2) кесим, 3) тўлдирувчи, 4) аникловчи, 5) равиш, 6) ўлчов-даражা, 7) чогишириш-ўхшатиш, 8) сабаб, 9) максад, 10) пайт, 11) ўрин, 12) шарт, 13) тўсиксиз, 14) натижа эргаш гаплар (Гуломов А., Аскарова М., 1987, 187). Н.Махмудов хам эргашган күшма гаплар семантикасини айни шу тасниф асосида таҳлил этади (Нурмонов А., Махмудов Н., Ахмедов А., Солихўжаева С., 1992, 243). Г.Абдурахмонов эса уларни куйидаги турларга ажратади: 1) аникловчи, 2) тўлдирувчи, 3) эга, 4) кесим, 5) пайт, 6) сабаб, 7) шарт, 8) максад, 9) тўсиксиз, 10) натижа, 11) равиш, 12) киёс, 13) умумлаштирувчи-изох эргаш гаплар (Абдурахмонов Г., 1996, 191-216). Унинг бу таснифида юкоридаги барча күшма гаплар акс этган бўлса-да, киёс ва умумлаштирувчи эргаш гаплар асоссиз майдалаштирилиб юборилган. Масалан, умумлаштирувчи-изох эргаш гапли күшма гаплар табиати хакида тўхталар экан, у шундай ёзади: «Эргаш гапларнинг шундай турлари борки, улар бош гапга аналитик-синтетик йўл билан багланади. Бу холда бош ва эргаш гап ўзаро нисбий олмошлар оркали бирикиб, эргаш гапнинг кесими шарт майли оркали ифодаланади. Демак, бундай эргаш гаплар бош гапга асосан лексик воситалар ва шарт майли оркали багланади. Бу багланиш икки томонлама бўлиб, багловчи лексик воситалар хам эргаш гап, хам бош гап таркибида кўлланади» (Абдурахмонов Г., 1996, 216).

Эски ўзбек тилида хам эргаш гапли күшма гапларнинг юкоридаги турлари кайд килинади. Куйида уларни кўриб ўтамиз.

Эга эргаш гапли күшма гаплар. Маълумки, эга эргаш гап бош гапдаги олмош билан ифодаланган эгани изохлаб, тўлдириб келади. Эски ўзбек тилида эга эргаш гап бош гапга куйидагича багланган:

1. Хозирги ўзбек тилидагидек, феълнинг шарт майли формаси ёрдамида: Хар ким падшах болса, йана йағы хазана йығмак керўк (БН). Хар киши тўркичў айтса, бир аяг ичсін (БН).
2. –р(-ар,-Ўр,-ур,-ур) аффиксли сифатдош формаси ёрдамида: Ул чин сўзни йалганга катар, дуррэ саминны нажасатка атар (Навоий МК).
3. Феълнинг аниклик майли формаси ёрдамида: Хар киши ким тириклик манзылыга келибтёр, ахыр дунйа гамханасыдын кечқисидир (БН).
4. –кэ,-ким багловчиси оркали: Сўрў маълум болды ким, мужавырларны! тазвыры экўндири (БН).

Эски ўзбек тилида хам эга эргаш гап бош гапда ифодаланмаган эгани изохлаб келган:  
Хар кимкә вафа кылса, вафа тапкусыдур//Хар кимкә жафа кылса, жафа тапкусыдур  
(БН)

Кесим эргаш гапли кўшма гаплар. Кесим эргаш гап бош гапнинг олмош оркали ифодаланган кесимини изохлаб, бош гапга хозирги ўзбек тилидагидек, -кэ,-ким багловчиси оркали bogланган. Бош гапнинг кесими вазифасида хозирги ўзбек тилида шу олмоши келади. Эски ўзбек тилида эса кўпроқ бу, булар, ул кўрсатиш олмошлари кўлланган. Мисоллар: Химматы вЎ гаразы ул эдиким, ул ишни камалга тегмргЎй (БН). Умид андакдурким, ушбу қун та|-ла Хисравшахны! жамиъ навкар вЎ савдары келиб, падшах куллугын кабул кылгайлар (БН).

Тўлдирувчи эргаш гапли кўшма гаплар. Маълумки, тўлдирувчи эргаш гаплар бош гаплардаги тўлдирувчи синтактик вазиятидаги лексеманинг маъносини тўлдириб келади ва бош гапга –ки // -ким шаклий воситаси оркали bogланади: Акибат а|а карар тапты ким, салтанат тажын икки ач арслан арасида койгайлар ( Навоий ТМА ). Иш а|а йетти ким, бизни! эл хандак йакасыгача барыб, кул вЎ дадак келтиррўр эди (БН).

Хозирги ўзбек тилида тўлдирувчи эргаш гаплар бош гапга феълнинг шарт майли шакли, деб ёрдамчиси, -ми,-чи, -ку юкламалари ва –ки багловчиси ёрдамида bogланади. Эски ўзбек тилида эса асосан –кэ,-ким воситасида bogланган.

Аникловчи эргаш гапли кўшма гаплар. Маълумки, аникловчи эргаш гап бош гапдаги аникловчи вазифасида кўлланган, айрим сўзларнинг маъносини конкретлаштириб келади ёки бош гапдаги предметнинг аникловчиси вазифасини бажаради. Аникловчи эргаш гап кўпинча бош гапдаги предмет белгисини унинг харакати ёки холатига кўра аниклади. Аникловчи эргаш гап бош гапдаги от оркали ифодаланган турли бўлакларни изохлаб келади.

Аникловчи эргаш гапнинг тарихий тараккиётига назар ташласак, уни узок тарихга эга эканини кўрамиз. Аникловчи эргаш гапли кўшма гаплар кадимги туркий тилда, шунингдек, эски ўзбек тилида хам кенг кўлланган.

Хозирги ўзбек тилида аникловчи эргаш гаплар бош гапга –ки багловчиси хамда шарт майли формаси ёрдамида bogланади. Эски ўзбек тилида хам шундай холни кузатиш мумкин: Хажа фаланга дагы хукм болса ким, алар ишидин хабардар болуб, аларга мададкарлығыда таксир кылмаса (Навоий МШ ). Судурга хукм болса ким, вилайат авкафыдын хабардар болсалар (Навоий МШ). Андак ривайат кылдылар ким, чумчук безгЎк болгандур (БН)

Баъзан аникланаётган бўлак шаклан ифодаланмаслиги хам мумкин. Лекин мазмунан у тўлиқ англашинаверади: Андок эшитилдиким, Астрободда оламдин ўтубтур (Навоий МН). Мазкур мисолда бош гап таркибидаги аникланаётган бўлак (хабар) шаклан ифодаланмаган. Аникловчи эргаш гап бош гапдаги айнан ана шу ифодаланмаган субъектни аниклаб, изохлаб келган. Имплицит субъект андок хавола бўлаги оркали англашилиб турибди.

Сабаб эргаш гапли кўшма гаплар. Бундай гапларнинг мазмуни сабаб муносабатидан иборат. Эргаш гап сабаб воеани, бош гап ундан келиб чикадиган натижани ифодалайди. Бундай эргаш гапларда содда гапларнинг семантик муносабатида ул жихаттин, бу жихаттин лексик бирикмаларининг семантикаси муҳим ахамиятга эга. Бу воситалар бош гапнинг бошида келиб, сабаб холи семантик вазиятини эгаллайди. Сабаб воеа ана шу воситалар ёрдамида натижада воеанинг ичига киради. Сабаб воеа, яъни, шарт эргаш гап олдин, ундан сўнг бош гап келади. Чунки сабаб воеа ифодалангандан

сүнг ул жихаттин, бу жихаттин воситалари билан асосий денотатнинг юзага чикиш сабаби изохланади. Шунинг учун эргаш гапнинг бош гапдан олдин ўринлашуви мантикан түгри.

Мисоллар: Бард лафзыдын аччыгы келди эрди, бу жихаттын аға ташвиш берди. (Навоий МН). Чун сизниң табугызыда давлатхахлыг сізини айтурга маъмурмен, ул жихаттын густахлыг билди арзадашт битилди (Навоий МШ).

Юкорида таъкидланганидек, чун лексемаси сабаб эргаш гапли күшма гапларда хам күлланиб, улар ўртасидаги семантик муносабатни реаллаштирган. Бунда хам эргаш гап бош гапдан олдин келган: Ул хазратга чун равshan болуб эрди, инаор кыла алмадым (Навоий МН).

Ушбу мисолда хам пайт муносабатлари ифодаланган. Яъни, качон инкор кила олмади, дейиш мумкин ёки нима сабабдан, деган савол кўйиш мумкин. Лекин гапда пайт маъносиға нисбатан сабаб мазмуни кучли. Чунки асосий гапнинг бажарилишидаги пайт эмас, балки сабаб биринчи планга чикарilmокда, инкор кила олмаслик сабаби алоҳида таъкидланмоқда.

Энди куйидаги мисолни кўрайлик: Ва катл истидаъсы кылды эрсў, катл буйурды (ТМА 231). Ушбу гапнинг хам мазмунини сабаб-натижа муносабати ташкил этади. Юкорида таъкидланганидек, ижро майлидаги феъл+тўликсиз феъл шакли пайт эргаш гапли күшма гаплардаги содда гапларни ўзаро муносабатини таъминлайди. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, бундай күшма гапларда пайт мазмуни хам, сабаб мазмуни хам ифодаланади.

Сабаб эргаш гап бош гапга –ки, ким воситасида хам бояланиши мумкин. Бундай күшма гапларда бош гап эргаш гапдан олдин жойлашади: Мавт маразыда тажны аның карнига койды ким, Дарабка хамила эрди (Навоий ТМА).

Хозирги ўзбек тилида хам сабаб эргаш гаплар бош гапга баъзан -ки шаклий воситасида бояланиди. Лекин юкоридаги мисолдан фарқли равища, эргаш гап бош гапдан аввал жойлашади: Аёл борки, олам мунаввар. Сен борсанки, шодман хаётдан каби.

Юкорида таъкидланганидек, Алишер Навоий асарлари тилида бош гап эргаш гапдан олдин жойлашади. Демак, бош гап (Тожни анинг корнига кўйиш) нинг юзага келишига эргаш гап (Доробга хомила эрди) сабаб бўлмокда. Нутк талабига кўра эргаш гапни бош гапдан олдинга ўтказиш мумкин: Даробка хомила эрди, шунинг учун мавт маразида тожни анинг корнига кўйди, каби. Бундан шундай хулоса килиш мумкинки, бундай бояланишда бош ва эргаш гапларнинг ўринлашуви эркин бўлади. Кайси гап таъкидли ифодага эга бўлса, сўзловчи учун мухим бўлса, ўша денотат аввал жойлашади.

Мисолдаги асосий воеа (Тожни анинг корнига кўйди) сўзловчи учун мухим, шунинг учун уни биринчи планга кўйган.

Шу билан бирга, сабаб эргаш гап бош гапга яна куйидаги воситалар ёрдамида бояланиши мумкин:

Негўним бояловчиси ёрдамида: Бу фурсатда Бажурны шах Мир Хусайнга инайат кылуб, Хажа Каланни тилўб эрди, негўним Хажа Калан мусахыб эрди (БН).

Ўтган замон сифатдошига учинчи шахс эгалик аффиксининг кўшилиши, сўнгра учун кўмакчисини келтириш билан: Кабулның дарамад вў хасылыны билмўй мундак тахмил болганы учун, вилайат хили хараб болды (БН). Баъзан сифатдош таркибидағи эгалик аффикси тушиб колган: Атасы вилайатка кириб, нечў маҳал саллахлық кылган учун, Канбар Али саллах дер эрдилўр (БН).

-б(-иб,-ыб//-уб,-уб) аффиксли равишдош воситасида: Бу вакеа андын йад бериб, чеरик

элигҮ вахима галыб болды (БН).

Шарт эргаш гапли күшма гаплар. Хозирги ўзбек тилида шарт эргаш гаплар бош гап билан феъльнинг шарт майли шакли, ўрин-пайт келишигидаги сифатдош шакли, келаси замон сифатдоши хамда тўликсиз феъл, равишдошнинг бўлишсиз шакли, ўрин-пайт келишигидаги сифатдош хамда тўликсиз феъл шакллари оркали бирикади.

Бундай күшма гаплар мазмунини шарт муносабати ташкил этади. Икки ёки ундан ортиқ денотатив гап шартланганлик муносабатига киришади. Шаклий функционал жихатдан эргаш гап бош гапнинг синтактик курилишида шарт холи ўрнини эгаллайди: Дост висалын тилЎр болса!, ашық бол (Навоий МК).

Эргаш гапнинг предикати бўлишсиз феъл шакли билан ифодаланиши мумкин. Бунинг натижасида шарт воеа бир кадар таъкидли ифодага эга бўлади: Хар вафага йуз жафа тартмаса!, ғинЎхкЎр-сен (Навоий МК).

Эски ўзбек тилида агар бoggовчиси шарт эргаш гапли күшма гаплар таркибида кенг кўлланган бўлиб, у шарт мазмунини кучайтириб келган: Агар шабихун барсак, карангу кечЎдЎ киши кJрмЎс (БН).

Агар ёрдамчиси XI асрлардан бошлаб форс-тожик тилидан ўзлашган бўлиб, то хозирги кунгача кўлланиб келаётган шарт бoggовчисидир. XI-XII-XIII аср адабий тилида оз микдорда кўзга ташланиб, XIV-XVI асрлардан бошлаб кенг кўлланган. Бу бoggовчи ар шаклида хам кўлланган: Маъзур тут ар васлыға кечрЎк йетсЎм//нечара кылай азгына маниъ бардур (БН).

Эргаш гапнинг ўрни, чегараси ва унинг формал шаклланишида ўзига хослик хам кўзга ташланади. Маълумки, хозирги ўзбек тилида аввал шарт эргаш гап, сўнгра бош гапнинг келиши доимий конуният. Лекин эски ўзбек тилида бош гапнинг эргаш гапдан олдин келиши холати хам кузатилади: Зеридастларга нафъ йеткўр, агар тилЎсЎ! кэ, забардастлардан заар кJрмЎгЎй-сен(Навоий МК). Ушбу гапни куйидагича трансформация килиш мумкин: Агар забардастлардан заар кўрмасликни тиласанг, зеридастларга нафъ еткур.

Энди куйидаги гапларни тахлил килиб кўрайлик: ДесЎ! кэ, таамы! зайде болмагай – йедур; ТилЎса! кэ, либасы! эскирмЎгЎй – кийдўр (Навоий МК). Шаклий жихатдан олиб каралганда, десангки, тиласангки сўзлари кириш сўз вазифасида кўллангандек кўринади. Чунки зое бўлмагай, эскирмагай келаси замон феъл шакллари кесим вазифасида келган. Лекин мазмунан олиб каралганда, десангки, тиласангки лексемалари эргаш гаплар предикатининг бир кисми хисобланади. Киёсланг: таоминг зое бўлмагай – едур ёки либосинг эскирмагай – кийдур, деб олсак, маъно чалалиги юзага келади, шартланганлик муносабати тўла реаллашмайди. Бу гапларни куйидагича трансформация килиш мумкин: Таоминг зое бўлмасин десанг, едур ёки либосинг эскирмасликни тиласанг, кийдур. Фикримизча, бундай конструкциялар эски ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўзлашган.

Шарт эргаш гапнинг кесими буйрук майлидаги феъл шакли билан ифодаланади. Бош гап билан –ки (-ким) воситасида шаклий синтагматик муносабатда бўлади: Мазлумга бахшайиш кJргўз кэ, залимдын асайиш кJргЎй-сен (Навоий МК). Бундай шаклий восита оркали бирикиш хозирги ўзбек тилида кузатилмайди.

Шарт эргаш гап бош гапга –са эрди шаклий воситасида хам бирикиши мумкин. Бунда шарт воеа тахмин, гумон маъно оттенкаларига эга бўлади: Андак кэ, бир аз нимЎ бевукуфрак киши кашыда окуса эрди, кJп йахшылыкка JткЎрмр эрди (Навоий XM).

Тўсиксиз эргаш гапли күшма гаплар. Маълумки, хозирги ўзбек тилида тўсиксиз эргаш

гаплар бош гапга –са хам, -ганда хам, -са+да, -гани билан, карамай каби шаклий воситалар ёрдами билан bogланади. Эски ўзбек тилида эса шарт эргаш гапнинг предикатлари ижро майдаги феъл шаклида бўлади. Тўсиксизлик маъноларини ифодалашда эргаш гап таркибидаги агар, агарчи лексемалари катта роль ўйнайди. Шу билан бирга, денотатлар таркибидаги айрим лексик воситалар хам ахамиятли хисобланади. Бундай гапларда бир пайтнинг ўзида икки хил муносабат, яъни, хам шарт муносабати, хам тўсиксизлик муносабати мавжуд бўлади. Чунки «тўсиксизлик» деганда, муайян шартнинг тегишли воеанинг юзага келишида тўсик бўлмаслиги назарда тутилади. Бунда шарт муносабати бевосита эмас, балки билвосита иштирок этади, бошкacha килиб айтганда, шарт муносабати гапда тагбилим сифатида мавжуд бўлади. Агар тагбилим сифатида шарт муносабати иштирок этмас экан, тўсиксизлик муносабатининг юзага келиши мумкин эмас. Мисол: ВЎ камчыны агар тазайана дерлўр, булдургасын вЎ чубургасын туркча айтурлар (Навоий МЛ).

Ушбу мисолда «камчи тозёна дейилса, булдургаси ва чубургаси хам форсча аталиши керак» деган шарт муносабатидаги тагбилим мавжуд. Ана шу шарт меъёрининг бузилиши тўсиксизликни юзага келтиради: ВЎ камчыны тазайана десўлўр хам, булдургасыни ва чубургасыни туркча айтурлар.

Тўсиксиз эргаш гапларда бош гап эргаш гапдаги шарт мазмунига зид бўлган харакат, воеаларни ифодалайди: Агарчи бир нечЎ вакт бizzарурat улум касбига иштигал кJргизбўлўр, амма хеч вакт назм айыныдын хали эмЎс экЎндўлўр (Навоий XM).

Баъзан агарчи, гарчи бoggовчилари иштирок этган тўсиксиз эргаш гапли кўшма гапларнинг кейинги компоненти- бош гап олдида вЎле зидлов бoggовчиси келиб, у компонентлардаги зидликнинг ортик эканлигини кўрсатади: Агарчи мундыш бурун хабарны бир пыйада келтўрб эрди, вЎле севинчигЎ ек Вайс бир айда келди (БН).

Маълумки, агар, агарчи бoggовчилари эрагаш гап таркибида келиб, эрагаш гаплар доимо бош гапдан олдин келади. Лекин эски ўзбек тилида бундай тўсиксиз эргаш гаплар бош гапдан кейин хам келган: Йазлар йахши хавасы бар, агарчи Кабулча йоктур (БН).

Пайт эргаш гапли кўшма гаплар. Маълумки, пайт эргаш гапли кўшма гапларда, асосан, икки денотатив воеа ифодаланиб, уларнинг бири иккинчисининг ичига пайт билдирувчи узв сифатида киради. Шунинг учун хам икки денотатив воеа ўртасидаги муносабат пайт муносабати сифатида реаллашади ва бу муносабат ифодаланган кўшма гап пайт эргаш гапли кўшма гап сифатида баҳоланади.

Хозирги ўзбек тилида пайт эргаш гаплар бош гапга феъл шакллари, кўмакчилар ва айрим юкламалар ёрдами билан бирикади.

Эски ўзбек тилида пайт эргаш гаплар бош гапга куйидагича bogланади:

1. Эргаш гапнинг предикати бош гапга равишдош шакли воситасида bogланади. Бундай гапларда эргаш гапда ифодаланган воеа-ходиса бўлиб ўтганидан сўнг бош гапдаги воеа бошланади: ВЎ умрини| ахырыда НJширЎвЎнни Jз орныда олтуртыб, Jзи гJшЎ тутты (ТМА 224).

2. Чун шаклий воситаси ёрдами билан шаклланади. Маълумки, чун лексемаси хозирги ўзбек тилидаги: 1) чунки, шу сабабдан; 2) агар; 3) качонки маъноларига мувофик келади (Навоий асарларининг кискача лугати, 1993, 319). Шу сабабли хам чун лексемаси эски ўзбек тилида пайт, сабаб, шарт эргаш гапларнинг бош гапга bogланишини таъминловчи воситалардан бири саналган. Чун эргаш гапнинг таркибида келган, эргаш гапнинг предикати феълнинг аналитик ёки синтетик шакллари билан ифодаланган. Бундай гапларда хам асосий денотатив воеа эргаш гапдаги воеадан кейин содир бўлади: Чун

таъзиб шиддатыдын хардылар, ул мажмуъдын судраб чыкардылар (МК 38). Чун атфал ташыдын туйар эрди, качыб гулханга йуз койар эрди (МК 87).

Шу билан бирга, Алишер Навоий асарлари тилида -гач (-гҮч,-кач,-кҮч), -р(-ур)да шаклий воситалари хам эргаш гапни бош гапга bogлашда фаол кўлланганлигини кўрамиз. –гач (-гҮч,-кач,-кҮч) шаклий воситаси билан bogланган кўшма гапларда асосий денотатив воеа эргаш гапдаги воеа содир бўлгандан сўнг бошланади.

Мисоллар: Кайфийатин маълум кылгач, таскин таптылар ва Фируз Хурмузга таън кылдылар (ТМА 234). Тафаххус кылгач, ул иш кайфийатин маълум килди (ТМА 209). Юкорида таъкидланганидек, мисоллардан асосий денотатлар (Таскин таптылар ва Фируз Хурмузга таън кылдылар – ул иш кайфийатин маълум кылды) тобе денотатив воеалар (Кайфийатин маълум кылгач – Тафаххус кылгач)дан сўнг содир бўлмокда. Ушбу пайт муносабатини –гач (-гҮч, -кач, -кҮч) шаклий воситасининг семантикаси реаллаштирумокда.

- р (ур)да шаклий воситаси билан bogланган пайт эргаш гапли кўшма гапларда эргаш гапдаги денотатив воеа билан асосий денотатив воеа бир пайтда рўй беради, чунки, - р (ур)да шаклий воситасининг семантикаси иш-харакатининг тугалланмаганлигини ифодалайди: ВЎ кошкун салурда, тепиб ахир кылды (ТМА 220).

Хозирги ўзбек тилида бундай мазмунли кўшма гапларни bogлашда -ган сифатдоши кенг кўлланилади (Абдурахмонов Г., 1958, 142-146). Эргаш гапнинг предикати ижро майлидаги феълнинг эрсЎ шакли оркали ифодаланиб, бош гапга bogланиши мумкин. Бунда асосий денотатив воеа эргаш гапдаги воеа тугаганидан сўнг бошланади: Ул ишни а!а захир кылды эрсЎ, кабул кылыб, йалгыз барыб, ул пилни Йлдирди (ТМА 220).